Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 46 (10.295).

1992 йил 5 март пайшанба

Баҳоси 1 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси



● СУРАТДА: туркиялик меҳмонларни кутиб олиш пайти.

Суратказ: Даврон АҲМАД.

14 март–умумхалқ ҳашари куни

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

ҚИБРАЙ қўрғонидаги Ғафур Ғулом маҳалласи аҳли ҳар йили ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга оширади. Бу ерда истиқомат қилувчилар кўпчиликнинг оғзига тушган шу хайрли анъаналарини бу йил ҳам давом эттиришга қарор қилдилар. Маҳалла фаолларининг кечагина бўлиб ўтган йиғилишида Наврўз байрамига ҳар тарафлама тайёргарлик кўриш, уни уюшқоқлик билан нишонлаш, 14 март куни шанбалик ўтказишга қарор қилдилар ва Қибрай ноҳиясидаги барча маҳаллалар аҳлини унга қўшилишга даъват этиб мурожаат қабул қилдилар. Уни халқ демократик партияси Қибрай ноҳия кенгаши маъқуллади ва кенг ёйишга қаратилган тадбирлар белгилади. Маҳаллалар, қишлоқ кенгашлари ижроия қўмиталари бирин-кетин бу ташаббусга қўшилишаяпти.

Тузель қишлоқ Шўроси ижроия қўмитасида шу муносабат билан аҳолн ва халқ ноибларининг катта маслаҳати бўлиб ўтди. Ижроия қўмита ранси Абдунаби Темирбеков уларга мурожаатномани ўқиб эшиттирди. Маҳалла қўмиталарининг раисларидан Собир Тўрабеков, Қолибой Тўртоев, Йўлдош Қулматов, Тузель хотин-қизлар кенгашининг раисаси Замира Рисбоева ва бошқалар Наврўз шанбалигини ўтказиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ҳашар бўладиган 14 март куни амалга ошириладиган ишлар режалаштириб олинди. Чунончи теварак-атрофни ободонлаштириш, қабристонларни тартибга келтириш, кўплаб мевали дарахт кўчатлари, тол-терак кўчатлари экишга қарор қилинди. «Энг намунали маҳалла», «Энг намунали хонадон», «Энг яхши онла» номини олиш учун кўрик-танлов ўтказиладиган бўлди, меҳр-мурувват, хайрия тадбирларини ташкил қилиш ҳам мўлжалланмоқда. Кўрик-танлов ғолибларига совғалар берилади, байрам кунлари от пойгаси, улоқ, кураш ва бошқа ҳар хил спорт ўйинлари бўлиб ўтади, халқимизнинг унутилган бошқа қатор урф-одатлари тикланади.

Ҳамма тайёргарлик ишларига ва шанбалик ҳамда Наврўз айёмини ўтказишга бош-қош бўладиган комиссия тузилди. У ҳозирнинг ўзидаёқ қизғин фаолият бошлаб юборди.

Т. ЭШТОЕВ,
Тузель қишлоғи.

Рўзномага келган жавоблардан

АВВАЛО МУҲТОЖЛАРГА ҚАЙИШАЙЛИК!

Муҳаррирнятимизга Бектемир ноҳияси, Порсо Шамсиев 1-тор кўча, 5-уйда истиқомат қилувчи кўп болалик она Раҳмонова Наимадан шикоят хати келган эди. Н. Раҳмонова ўз мактубида уй ололмай қийналаётганликларини ёзиб, биздан кўмак сўраганди. Шунингдек имтиёзли равишда уй олишга ҳуқуқлари бўла туриб, бир неча йиллардан буён 3-навбатда турганликлари, Тузель посёлкасидан ажратилган уйга кўчиб ўтишни хоҳламаганликларини ҳам таъкидлайди.

Биз ўз навбатида шикоят асосида тегишли ташкилотларга неча бор мактуб йўллаб, ушбуни текшириб, ҳал этишни сўрагандик. Яқинда шу хат юзасидан Бектемир ноҳияси ҳокими Г. Соболев имзоси билан жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«Бектемир ҳокимияти томонидан Порсо Шамсиев 1-тор кўча 5-уйда яшовчи Раҳмонова Наиманинг «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси номига юборилган аризаси кўриб чиқилди.

Раҳмонова Наима 1987 йил 1 июнда берган аризасига биноан кўп болалик она ҳисобида имтиёзли навбатга олинган ва шу кунларда у навбатда иккинчи бўлиб турибди. 1991 йилда «Улуғбек» посёлкасидан бу онлага санитарня норма асосида уй таклиф қилинган, аммо Н. Раҳмонова бу уйга кўчиб ўтишга рози бўлмаган. Шу давр мобайнида Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси томонидан Бектемир ноҳиясига асосан «Улуғбек» посёлкаси, Сергели даҳасининг Дўстлик-2 ва Чилонзор даҳасининг 31-кварталларидан уй-жой ажратилган.

Бектемир ноҳияси территориясидан олинган уйлар 1990—91 йилда асосан ноҳия фаолиятини ташкил қилиш учун зарур бўлган ташкилотларни тузиш, уларнинг хизматчиларини уй-жой билан таъминлашга ажратилди.

Раҳмонова Наиманинг уй-жой шароити навбат билан уларнинг имтиёзини ҳисобга олган ҳолда яхшиланади».

* * *

ЭСЛАТМА: мазкур шикоят узил-кесил ҳал этилгунча муҳарририят назоратида бўлади.

ТУРКИЯ—ЎЗБЕКИСТОН:

ОҒА-ИНИЛАР УЧРАШУВИ

Туркия республикаси Ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 4 март куни Ўзбекистон республикасига келди.

Пойтахт тайёрагоҳида делегацияни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М. Қ. Қорабоев, Қ. Ж. Ҳаққулов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Тайёра пиллапояси ёнида Ҳикмат Четин Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига қисқача жавоб қайтарди.

— Сизни ўзбеклар диёрида самимий табриклаймиз. Хуш келибсиз!

— Раҳмат. Биз Ўзбекистонга келганимиздан хурсандмиз. Ростини айтганда, биз туркlар сизларнинг республикангизни дилимизга яқин ота юрт деб ҳисоблаймиз. Бу ерда ўзимизни уйимиздагидек, бамисоли ўз ватанимизга келгандек ҳис қиламиз. Тилимиз яқин, халқларимизнинг дини бир, муддаоларимиз ҳам бир хил.

— Ташрифингизнинг асосий мақсади ҳақида гапириб берсангиз.

— Қисқа қилиб айтганда, бизнинг мақсадимиз Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни барча соҳаларда янада мустаҳкамлашдан иборат.

— Куни кеча Ўзбекистон БМТга қабул этилди. Бу воқеани қандай баҳолайсиз?

— Бу — халқаро аҳамиятга молик воқеа. Бунга бутун турк халқи қувонди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга кириши учун Туркия ҳам ўз муносиб ҳиссасини қўшгани билан фахрланамиз. Ўзбекистон БМТга аъзо бўлгач, энди дунёда ўзига тегишли бўлган ўринни олди, халқаро масалаларни ҳал этишда салмоқли овозга эга бўлди. Қардош Ўзбекистон тез орада ривожланган давлатлардан бири бўлиб қолишига аминман. Бу ишда биз сизларга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрмиз.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

4 март куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида протокол имзоланди.

Протоколда, жумладан, икки мамлакат ўртасида тил, маданият, анъана ва тарих муштараклигига асосланган ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун пухта замин яратиш кўзда тутилган, Ўзбекистон билан Туркиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши Хельсинки якунловчи акти, Париж хартияси мақсад ва принципларига оғишмай амал қилиши таъкидланган.

Дипломатия алоқалари тўғрисидаги 1961 йил Вена конвенциясига мувофиқ яқин вақт ичида ҳар иккала мамлакат пойтахтида элчихоналар очилади.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси номидан Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фотиҳ Тешабоев, Туркия республикаси номидан Ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин имзоладилар.

НАВБАТ СИЗГА, ИШБИЛАРМОНЛАР!

Шу куни Туркия таниқли ишбилармонлари ва Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ташкилотларининг вакиллари ўртасидаги музокаралар ортиқча расмиятчиликларсиз, аниқ ишчанлик руҳида бошланди. Бу музокаралар Ўзбекистон пойтахтининг Кино уйида бўлиб ўтди.

Ўзбекистонлик ҳамкорлари билан ўзаро манфаатли асосда мустаҳкам алоқа ўрнатиш учун Туркия савдо-саноат доиралари намояндаларининг салмоқчи гуруҳи Тошкентга келди.

— Биз орттирилган тажрибани баҳам кўришга, Ўзбекистон савдо-саноат доираларининг вакиллари билан ўзаро мафаатли шартномалар тузишга тайёрмиз,—деди музокара чоғида Туркия Бош вазири Девони ҳузуридаги Ҳазина ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Камол Каъбатош.— Туркияда катта бизнес билан шуғулланувчи таниқли ишбилармонлар Тошкентга келганлар. Уларнинг фаолият соҳаси бениҳоя кенг. Қурилиш ҳам, саёҳатчилик ҳам, кимё саноати, нефтни қайта ишлаш саноати, транспорт ҳам уларнинг соҳасига киради. Делегациямиз таркибида банк иши, менежмент ва маркетинг соҳаларидаги тажрибали мутахассислар бор. Иккала томонни қизиқтирувчи бир талай ҳамкорлик соҳаларини топа олишимизга аминман.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Н. Қориевнинг фикри қуйидагича:

— Республикамиз салмоқли иқтисодий салоҳиятга эга, уни кўпайтириш ва мустаҳкамлаш зарур. Турк ишбилармонлари билан музокаралар — кўпгина муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлидир.

Ташриф чоғида турк ишбилармонлари саноат корхоналари ва деҳқончилик соҳасининг етакчи мутахассислари билан учрашадилар.

(ЎзА).

ЭЪТИҚОД 1

«ЭЪТИҚОД» МУШТАРИЙЛАРИГА

Халқимизда «Яхши ният — ярим давлат» деган нақл бор. Зотан, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгашининг ўз рўзномаси бўлишини кўпчилик партиямиз аъзолари орзиқиб кутишаётган эди. Афсуски, ҳозирча бу яхши ниятни амалга оширишга қўлимиз калталик қилмоқда. Иқтисодий танглик, қоғоз тақчиллиги шароитида уни нашр қилиш имкониятимиз йўқ. Орзуга айб йўқ деганларидек, ниятимиз ушаладиган қутлуғ кунлар ҳам келиб қолар. Лекин қийинчиликларга қарамасдан кўпчиликнинг эзгу ниятлари қисман амалга ошди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-сиёсий рўзномалари — «Тошкент ҳақиқати» — «Ташкентская правда» қошида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг ўзбек ва рус тилларида чиқадиган рўзномадаги рўзнома — «Эътиқод» нашр этиладиган бўлди.

Ҳурматли партиямиз аъзолари, муштарийлар! Мазкур рўзномамизнинг нишона сони қўлингизга тегди. Бу қувончли воқеа билан сизларни қутлаймиз. У гарчи мўъжаз бўлса-да, бошлаган эзгу ишдан бир нишонадир.

Рўзномадаги рўзноманинг номланиши, мазмуни сизга маъзурми? У ҳақдаги фикрларингиз, таклифларингизни рўй-рост ёзиб юборинг. Унинг қандай бўлишини истардингиз. Ўзингизни тўлқинлантираётган янгиликлар, яхши кишилар ҳақида, дилингизни қийнаётган муаммолар тўғрисида ёзиб, унинг фаол мухбирига айланиб қоласизлар, деган фикрдамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

(«Эътиқод»нинг биринчи сони билан рўзномамизнинг учинчи саҳифасида танишасиз).

ОҚ ЙЎЛ!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят ташкилотининг, рўзномадаги рўзномалари — «Эътиқод» ҳамда «Товарищ»нинг илк бор чиқишини табриклашдан хурсандман.

Шунга аминманки, эндиликда у ўзининг босма нашрлари орқали вилоят меҳнаткашларини Ўзбекистоннинг Давлат Мустақиллигини мустаҳкамлаш сиёсати теварагига сафарбар этиш, партиямизнинг республикамиз ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган дастурий мақсадлари ва вазифаларини ҳар томонлама чуқур тушунтириш бўйича оммавий-сиёсий ишни муваффақиятли олиб боради.

Рўзномалар таҳририятлари ва муштарийларига муваффақиятлар тилайман.

М. РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби.

ҚИБРАЙ НОҲИЯСИДА

ҲОКИМНИНГ ДАСТЛАБКИ ФАРМОНИ

КУНИ кеча Қибрай район ҳокими ўзининг дастлабки фармонига имзо чекди. Бу фармон ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Унда районда истиқомат қилувчи кам даромадли оилалар, ёлғизлар ҳамда болалар уйларида тарбияланаётганларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилиши керак бўлган қўшимча тадбирлар ўз ифодасини топди. Ана шу фармонга кўра райондаги 77-мактаб-интернат, ногирон болалар муассасаси ҳамда 42-болалар шифохона-мактабининг ҳар бирига 5 минг сўмдан моддий ёрдам пули ажратилди. Бундан ташқари район ҳокимлиги шу ҳудуддаги қишлоқ ва қўргон шўроларига ҳам кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёлғиз кишиларга кўмаклашиш учун 5 минг сўмдан пул ўтказишга қарор қилди.

Халқимизнинг миллий байрами «Наврўз» айёмини муносиб кутиб олиш, уни ҳар томонлама яхши ўтказишга эришиш юзасидан пухта тайёргарлик кўриш тўғрисидаги фармоннинг ҳам ўзига хос жиҳати бор. Ана шу фармонда район агросаноат банкида Наврўзнинг хайрия ҳисоб рақамини очиш таъкидланган. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу хайрия ҳисоб рақамига турли ташкилот, жамоалар ва фуқаролардан маблағлар тушмоқда. Бу пул инсонийлик мақсадларига хизмат қилади.

Шундай қилиб, район ҳокими имзо чеккан ҳар иккала фармон ҳам савобли ишлардан бошланди. Бизга маълум қилишларича, ҳали бу борадаги ишлар районда янада кенг тус олади.

А. ФОЗИЛОВ.

ФАН—ЕНГИЛМАС КУЧ

ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 3 март куни Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикалари Фанлар академияларининг президентлари билан учрашди.

— Мен сизлар билан Тошкентда учрашиб турганимдан гоят хурсандман, — деди И. А. Каримов олимларга мурожаат қилиб. — Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини туздик. Муҳим ва мураккаб масалаларни муҳокама этмоқдамиз. Мустақил давлатлар Фанлар академияларининг фаолияти, техника тараққиёти, халқ таълими каби шу кунинг долзарб масалалари ҳам диққат-эътиборда бўлиши зарур, албатта.

— Биз ҳаммамиз, — деб сўзини давом эттирди Ўзбекистон Президенти, — фан тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Сиз миллат ва элатларнинг бахтли келажаги учун масъулсиз.

Сўнгра у олимларнинг эътиборини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида бўлиб ўтган воқеаларга жалб этди. Фан арбобларига Финляндияга сафари таассуротлари тўғрисида ҳам сўзлаб берди.

Ўзбекистон Президенти Мустақил республикалар Фанлар академияларининг салоҳиятини сақлаб қолиш, уларнинг фан тараққиётидаги мавқеини янада кучайтириш ва бунинг учун мавжуд имкониятлардан илмий асосда фойдаланиш кераклигини айтди. У мингакадаги Фанлар академиялари раҳбарларини етук ва малакали мутахассислар тарбиялашга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти У. М. Султонгазин, Қирғизистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти И. Т. Айтматов, Туркманистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти А. Г. Бобоев, Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти С. Х. Неъматуллаев, Озарбайжон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Э. Ю. Салоев мингакада фанни ривожлантириш тўғрисида, унинг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш, етук олимлар тайёрлаш кераклиги ҳақида гапирдилар.

Олимлар Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этиб қабул қилинганлиги муносабати билан И. А. Каримовни қутлашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси С. С. Саидқосимов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов иштирок этдилар.

(ЎзА).

НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

3 март куни Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш республика ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни шу комитет раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Мажлисда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида умумхалқ байрамига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботлар тингланди.

Сурхондарё вилоятида ҳозир ободончилик ойлиги ўтмоқда. Фахрийлар кенгаши билан бирга боқувчисиз қарияларга 15 минг сўмлик совға тайёрланмоқда, 300 та кўп болали, муҳтож оилалар ун ва гуруч билан таъминланаётгилар. Қашқадарё вилоятида Наврўз хайрия жамғармаси тузилди. Унга тушаётган маблағ ногиронларга, муҳтож кишиларга сарфланади. Қашқадарёликлар бу йилги байрамни ҳам қўшни Туркманистон ва Тожикистондан ташриф буюрадиган меҳмонлар билан бирга нишонлайдилар. Самарқанд вилоятида умумхалқ байрами тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш ишлари билан бешта нинчи гуруҳ шуғулланмоқда. Вилоят ёшлар комитети 14 март куни Наврўзга атаб шанбалик ўтказишга қарор қилди. Байрам куни узлуксиз телекўрсатув намойиш қилинади. Тантаналарда 67 та етук ва ҳаваскорлик жамоалари иштирок этади. Жиззах вилоятида ўтган йилги тажрибалар асосида Наврўзни чинакам умумхалқ шодиёнасига айлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Комитет мажлисида «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг ранси Ш. Хўжаев вилоятларда тақсимлаш учун 600 минг сўмлик кийим-бош тўпланганини, Қизил Яримой жамияти ранси Ў. Воҳидова 14—20 март кунлари республикада саломатлик ҳафтаси ўтказилишини маълум қилдилар.

Мажлисда белгиланган барча тадбирлар изчиллик билан амалга оширилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик рштала-ри тобора мустаҳкамланмоқда. Биродарларимиз юбораётган бегараз ёрдам пешма-пеш келиб турибди. Асосан дон, дори-дармон, тиббиёт ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклардан иборат бу юкларни қабул қилиб олиш ва тақсимлаш учун тузилган республика комиссияси катта ишларни амалга оширмоқда.

Ушбу комиссия ишини ёритиш матбуот маркази мутасаддиларининг республика, вилоят, шаҳар ва тармоқ газеталари редакторлари, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат компанияси раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Учрашувда журналистларнинг бу борадаги вазифалари ҳақида сўз юритилди. Ёзилаётган материалларда фақат олинаётган инсонпарварлик ёрдамигина эмас, икки халқ ўртасидаги дўстлик ривожланиб бораётганлигини ҳам кенг тарғиб этиш зарурлиги таъкидланди.

(ЎзАХБОР).



СУРАТДА: Тошпўлат Бобожонов (ўртада) ҳамкасблари билан мулоқотда.

ИЗЛАГАНГА ҲАЗИНА БОР

ГЕОЛОГ ОЛИМ ТОШПЎЛАТ БОБОЖОНОВ УМР ДАФТАРИНИ ВАРАҚЛАБ

Тошпўлатнинг болалик даври уруш йилларига тўғри келди. Кекса отаси Янгийўл шаҳрига яқин бўлган колхозда тиним билмай ишлар, тўрт нафар фарзандининг қорнини тўйғазиш, уларни оёққа қўйиш ташвишида юрарди. Онаси эса уй юмушлари билан машғул бўларди. Эндигина мактабга ўқишга борган Тошпўлат дарсдан қайтгач наридан бери тамадди қилардию сигир бузоқларни етаклаб далага чиқиб кетарди. Кечқурун уйга ҳориб қайтгач дарс тайёрлашга мадори етмай ухлаб қолар, баъзан ўқитувчидан дакки эшитарди ҳам. Ёши бироз улғайгач тенгқурлари билан кўпток тепиш, чиллак ўйнашга барҳам бериб, молларни ҳайдаб қўйиб китоб ўқишга бериладиган бўлди. Кунларнинг бирида унинг қўлига геология, кон қидирув соҳасига оид қўлланма тушиб қолди. Уни мутолаа қилар экан, ўзини ўзга бир дунёга кириб қолгандек ҳис этди. Ер ости қатламларида унга мутлақо нотаниш бўлган номлар билан аталувчи бойликлар борлигидан ҳайратланди. Ва деярли ҳар куни, ҳар дамда ўша замин тубидаги мавжуд конлар, уларнинг қандай пайдо бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйлашни тарк этмасди. Кейинроқ шу касб эгалари ҳақида отасига гапирганида: Э, болам, ундай кишиларнинг туриш-турмушида ҳаловат бўлмайди, ойлаб, йиллаб тоғу тошларда, қир-адирларда сарсон бўлиб юришади, деди. Отасининг бу гапидан «ўғил, мазкур ҳунарга қизиқмай қўяқол», деган маънони англади. Аммо айнан шу касбга бўлган ундаги ҳавас ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган Тошпўлатни Тошкент Давлат дорилфунунининг геология куллиётига етаклади. Имтиҳонлардан ўтиб, талабалик даври бошланди.

Инсонда шундай бир ҳусусият бор. Агар ўзи кўзлаган, юраги жизиллаган ўқиш ёки иш соҳиби бўлса дилида аллақандай ором ва мамнунлик сезади. Тошпўлат дорилфунунда ўзида ана шу туйғуни ҳис этди. У нефть ва газ қидирув ишларига бағишланган дарсларга жуда қизиқар, домлалар ўқиётган лекцияларни мириқиб тингларди. Ҳар бир дарсдан ўзи учун янгилик топиб, танаффус пайтида ҳам ўқитувчиларга турли саволлар билан мурожаат қиларди. Ундаги бу қизиқишни пайқаган устозлар Тошпўлатга алоҳида эътибор бера бошлашди. Ҳатто айримлари шу соҳага оид илмий рисолаларни топиб беришди. Йил давомида олган назарий билимларини амалда синаш пайтида Тошпўлат ҳамиша фаол қатнашар, ўзи мустақил бажарган ишларини синаб кўриб, яхши натижага эришганида қувониб кетарди. Бир, икки ойлаб чўлларда юриб тажриба ўтказиш анча машаққатли бўлсада, ўта қобилиятли, қизиқувчан талаба учун завқли машғулот ҳисобланарди.

Шу йилларда машҳур Газли конининг очилиши Ўзбекистонда нефть-газ қидириш ишларининг ривожланишига туртки бўлди. Геология ва физика фанларининг қўшилишидан вужудга келган геофизика соҳаси бундай изланишларни тез ва арзон олиб боришга ёрдам берди. Тошпўлатда ҳам мазкур фанга катта қизиқиш уйғониб, муҳандис-геофизик мутахассислиги бўйича ихтисослаша бошлади.

Дорилфунунни имтиёзли диплом билан тамомлаган Т. Бобожонов йўлланма билан Туркманистонга ишга юборилди ва Қорақум чўлларида кон қидириш ишларида қатнашди. Тўрт йил давомида қатор қийинчиликларга дуч келишига қарамай анчагина тажриба орттирган мутахассис Устюрт геофизика экспедициясига ишга юборилди. Бу ташкилот Қорақалпоғистон ҳудудида нефть ва газ конларини қидириш билан шуғулланар эди. Экспедиция аъзолари ер қатламларини ташкил қилувчи тоғ жинсларининг физик хусусиятларини геофизик усуллар ёрдамида кузатиш, қатламларнинг тузилишини ўрганиб, олинган маълумотларни таҳлил қилиш борасида тадқиқотлар олиб борардилар. Шунингдек, кузатилаётган жойдаги қатламларнинг пайдо бўлиш шартлари, ўша даврда бу ерда қандай денгиз бўлгани, ҳайвонот дунёси, қатламларда газ ёки нефть тўпланиши учун шароит бор ёки йўқ эканлиги ҳақидаги саволларга жавоб топишлари ҳам керак эди. Ана шу саволларга олинган ижобий жавоб кон чиқиши мумкин бўлган жойларни пармаловчи ташкилотларга тавсия қилиш имконини берарди. Мана шундай ишлар натижасида Устюртда бир нечта кон чиқиши эҳтимоли бўлган жойлар пармаланиб кўзатилганда кўзланган натижага эришилмади. Конни топиш билан боғлиқ омиллар қайта таҳлил этилганда эса хатоликка йўл қўйилгани аниқланди ва мавжуд маълумотлар қайта ўрганилди. Заҳматкаш мутахассисларнинг бу сафарги изланишлари зое кетмади. Қўшимча тадқиқотлар ўтказилиши туфайли 1964 йили дастлабки газ кони топилиб, унга Шохпахта номи берилди. Мазкур кон очилгач, яна бир неча йиллар давомида Устюрт ўлкасида қидирув ишлари олиб борилди. Бахтга қарши бу ерда ҳам кўзланган мақсад амалга ошмади. Бунинг асосий сабабларидан бири ўша пайтда олиб борилган геофизик ўлчаш ишларининг аниқ асбоб-ускуналар билан етарлича жиҳозланмаганлиги эди. Кон қидирувчилар руҳан тушишмади. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, қаерда ва қандай шароитда бўлмасин экспедиция аъзолари содир бўлган камчиликларни аниқлаш ва тузатишда ҳамиша жонбозлик кўрсатишди. Бундай вазиятда, айниқса, Т. Бобожоновнинг фаоллиги яққол сезилиб турарди. Ундаги тадқиқотларга бўлган ихлосни устозлар, сафдошлари қониқиш билан таъкидлашарди.

Бир куни геофизик олим Б. Таль-Вирский Тошпўлатга илмий иш бошлаш бўйича маслаҳат берди. Шундан сўнг ёш мутахассис тажрибали олим Борис Борисович кўмагида «Нефть ва газ конларини қидириш муносабати билан Шарқий Устюртнинг чуқурликдаги геологик тузилиши» мавзусида илмий тадқиқотга қўл урди. Мақсадга эришишнинг ўзи бўлмади, албатта. Бир пайтлар отаси айтганидек, беҳаловат кунлар бошланди. Лекин инсон ҳар қандай машаққатларни мустаҳкам иродаси, ақл-заковати, ҳалол меҳнати билан енга олар экан. Тошпўлат Бобожоновга хос бўлган юксак сабот ва ёрқин мақсад йўлидаги нитилишлар уни фан оламига чорлади. Яна адабиётларни ўқишлар, тоғлар, дараларни кезишлар, кон қидирув борасидаги тажрибаларни ўрганишлар давом этди. Ана шу изчил меҳнати туфайли 1972 йил Т. Бобожонов геология фанлари номзоди илмий даражасини ёқлади.

Ўша йиллари «Ўзбекгеофизика» кичикроқ бир корхона бўлиб, Қарши шаҳридаги бирлашмага бўйсунарди. 1978 йил азралиб чиққан бу корхона мустақил бирлашмага айлантирилди. Т. Бобожонов эса унга бош директор этиб тайинланди. Ҳозир у ерда 4 мингга яқин киши ишлайди. Уларнинг деярли ярмини олий маълумотли мутахассислар ташкил этади. Геофизикларнинг асосий вазифаси Ўзбекистон ҳудудидаги нефть ва газ конларини аниқлаб беришдан иборат. Мутахассислар тавсияси билангина «Ўзбекгазпром», «Ўзбекнефть» корхоналари қидирув ишларини бошлашади. Бугунги кунда геофизиклар тавсиялари 70—75 фоиз тўғри бўлиб чиқяпти. Ўтган йили Қорақалпоғистондаги «Қорачалоқ» майдонида катта газ кони кашф этилди. Бу ишларда Тошпўлат аканинг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Аниқ маълумотларга кўра жумҳуриятимизда газ етарли миқдорда, дейиш мумкин. Бироқ нефть жуда кам. 75 фоизи четдан сотиб олинади. Республикамиз мустақил бўлиши муносабати билан «Ўзбекгеофизика» бирлашмаси чет мамлакатлар мутахассислари билан алоқа ўрнатиб, ҳамкорликда иш олиб бориш ниятидалар. Аниқроғи, Англия, Франция, Покистон синғари мамлакатлар геофизиклари ўзбекистонлик мутахассислар ишларини кузатишлари натижасида ҳамкорлик қилиш истаклари борлигини изҳор этишди. Яқинда Американинг «Гестион Генерале» фирмаси вакиллари бирлашмада бўлишди. Ҳар икки томоннинг келишуви билан Ўзбекистон ерларида иш олиб бориш шартномаси имзоланиш арафасида турибди. Агар кўзланган мақсад амалга ошса, нефть қазиб олиш ишлари янада жадаллашади. Бундай эзгуликнинг бошида эса Тошпўлат Бобожонов турибди. Бу одам ўзини мазкур соҳага бағишлаган фидоийлардан. Катта бирлашмага бошчилик қилиш осон иш эмас. Айниқса, ҳозирги ижтимоий мураккаб даврда ҳар бир кишидан билимдонлик, уддабуронлик талаб қилинади. Бирлашма келажаги, ходимларининг иқтисодий аҳволи, эртанги куни учун қайғуриш ҳам Т. Бобожоновнинг зиммасида. Мана шундай ишлар билан машғул бўлаётган олим илмий изланишларини ҳам давом эттиришга вақт топяпти. Ўтган йилларда олиб борилган тажрибаларни таҳлил қилиб, она замин бағридаги бебаҳо бойликларни қазиб олишнинг янги-янги усулларини излаб топишга интиляпти. У навбатдаги илмий ишини Ўрта Осиё Марказий қисмининг чуқурликдаги геологик тузилиши, нефть ва газ қидириш ишларининг келажагига бағишлади. Ва ўтган йилнинг охирида ана шу мавзудаги докторлик ҳимоясини Москвадаги Марказий билимгоҳда ёқлади.

Олимнинг таъкидлашича, кашф этилган ер ости бойликлари қазиб олингунга қадар навбатдаги янги-янги конлар аниқланиши ва захирада туриши керак. Чунки нефть ҳар қандай давлатнинг иқтисодий асосини ташкил этувчи маҳсулотлар, дан бири ҳисобланади. Ҳозир ҳисоб-китобларга кўра саҳий еримиз бағрида тахминан 1,5 триллион куб метр газ, 190 миллион тоннага яқин нефть мавжуд экан. Ўзбекистонда ҳар йили 40 миллиард куб метр газ, 3 миллион тоннага яқин нефть ва конденсат — яъни суюқ газ қазиб олиняпти. Агар газ қазиб олиш йилига 50 миллиард куб метрга етказилса, бутун жумҳуриятимиз газ билан бемалол таъминланар экан. Бу ишларни албатта, Т. Бобожонов сингари билимдон мутахассислар амалга оширишига ишончимиз комил.

Тошпўлат ака оиласини геофизиклар хонадони дейиш мумкин. Умр йўлдоши Надежда Николаевна ҳам, тўнғич ўғли Алишер ҳам унинг издошлари. Кенжа ўғли Анвар эса гидрогеолог — яъни сув қидириш ишлари билан шуғулланади.

Олимдан Чинозда нефть қидирув ишлари бошлаб юборилганлиги ва шу воқеага муносабати ҳақида сўраганимда у киши шундай деди: мазкур қидирув ишлари америкалик олимлар хулосаси билан бошланди. Лекин афсуски ер қатламларидаги тоғ жинсларининг таркиби, ҳолати ўрганилмади. Биз бундан 40 йил аввал айнан шу майдонда кузатув ишлари олиб борганимизда нефть топилмаган эди. Буни мен ҳамкасбларим билан ўша пайтларда қилинган илмий назариям асосида айтаяпман. Қани энди мўъжиза рўй берсаю, нефть чиқса бизнинг ҳам бошимиз кўкка етарди.

Сўнгги саволимдан кейин Тошпўлат ака ҳақидаги тасаввурим янада бойиди. У ўз илмий қарашини ҳимоя қилишда чекинмайдиган инсон. Орадан 40 йил ўтса ҳам ўша-ўша фикрида. Бу ҳам забардаст тадқиқотчига хос фазилат. Қанийди орамизда фан, ишлаб чиқариш учун Тошпўлат Бобожоновдек жонкуяр, одамларга ғамхўр ва илмиёт бобида қатъий олимлар кўпроқ бўлса. Унинг хонасидан чиқар эканман, ана шундай кишиларгина истиқлолга юз бурган жумҳуриятимизни иқтисодий инқироздан халос қиладилар, деган ўй мени тарк этмасди.

Рихсиниса УСМОНОВА.

БЎСТОНЛИҚ АТЛАСИ

У ЯҚИН кунларда харидорга ҳавола этилади.

... Вилоят пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонаси директорининг хонасидамиз. Директор вазифасини бажарувчи Раҳим Аслонов корхонадаги янгиликлар ҳақида гапирар экан, мамнуннят билан пўлат сандиқни очиб бир тахлам товланиб турган атласни олиб, столга қўйди.

— Мана биздаги охирги янгилик, — деди у атлас тахламини ёзаркан. — Қаранг, сифати яхши, ранги ҳам, тўқилиши ҳам чиройли, тўғрими?

Камалак рангида товланиб турган кўзни қамаштирувчи атласни ҳавас билан кўздан кечира бошладик. Шу пайт хонага навқирон бир йигит кириб келди. Саломлашганимиздан кейин Аслонов уни таништирди.

— Бу йигит муҳандис технологимиз Рустам Умаров бўлади. Бу матонинг яратилишида унинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Бир лаҳза ноқулай аҳволга тушган Рустам аканинг ўзи ҳам суҳбатга қўшилди:

— Ҳар қанча қийин бўлса-да, атлас тўқишни йўлга қўйишга ҳаракат қилдик. Албатта, бу осон бўлгани йўқ. Андижон ва Наманган фабрикалар билан алоқа боғладик. Зотан, аввалдан биз бу фабрикаларга хомашё юбориб турардик. Ниҳоят, бизга Андижондаги «Феруза» тўқимачилик ширкати ёрдамга келди. Улар билан шартнома туздик, маблағ ўтказдик. Ширкатнинг усталари дастгоҳларни олиб келиб, ўзлари ўрнатиб беришди.

Эшитгандан кўрган афзал, деганларидек, янги ташкил этилган тўқув цехи билан танишиш истагини билдирдик. Рустам ака бизни цехга бошлади. Бу ерга еттита дастгоҳ ўрнатилган экан. Унда икки нафар тўқувчи қиз бир маромда ишларди. Умуман олганда эса бу ерда Андижондаги «Феруза» ширкатидан келган уста Зокиржон Баҳромов етти нафар қизни тўқувчилик сирларини мукаммал ўзлаштириб олишибди. Шунинг учун уларга мустақил ишлашга рухсат этилган. Улар атлас тўқиш дастгоҳида маҳорат билан ишларди. Қўлда ясалган бу оддийгина дастгоҳларда мураккаб жараёнлар амалга ошириларди.

Муҳандис технолог Рустам Умаров бизни улар билан таништириб чиқди. Ноҳиядаги дастлабки атлас тўқиш цехининг қалдирғочлари Марҳабо Ражабова, Азиза Шодиева, Дилором Пўлатова, Гулбаҳор Мирбобоева экан. Шунингдек, Фарҳод Шарипов ҳам мазкур цех усталигига тайёрланаётган экан.

— Мана шу иккита дастгоҳ билан тўқилган дастлабки икки юз метр атласни корхонамиз ишчиларига сотдик, — деди Р. Умаров. — Яқин кунларда дастгоҳларнинг ҳаммасини ишга туширамиз. Бунинг учун мутахассисларни ҳам тайёрлаяпмиз. Шу кунларда корхонамиз ишчиларидан етти нафари Андижондаги тайёрлов курсларида таҳсил кўраяпти. Улар яқин кунлар ичида қайтиб келиб, ишга тушадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирча вилоят пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси асосан хомашё базаси вазифасини ўтаяпти. Корхонанинг йигирув цехида тайёрланаётган ипакнинг деярли барчаси Андижон ва Наманган шойи тўқиш фабрикаларига жўнатилаяпти. Ойига ўрта ҳисобда бу ерда 90—100 килограмм атрофида ипак тайёрланиб юборилмоқда. Технолог Рустам Умаровнинг айтишича, келгусида етиштирилган хомашёнинг ҳаммаси шу ерда қайта ишланиб, маҳсулот тайёрланади. Бинобарин, ноҳиямиз дўконларида яқин кунларда Бўстонлиқ атласларни сотувга чиқарилса ажаб эмас...

М. ФАТТОҲОВ.

КИЧИК КОРХОНАЛАРГА — КЕНГ ЙЎЛ

МАКТАБ, МАҲАЛЛА, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА

СИРҒАЛИ районидаги Ҳамид Олимжон номли 237-ўрта мактабда «Мактаб жамоаси ҳамда маҳалла қўмиталарининг таълим-тарбия бўйича биргаликда ишлаши» мавзусида кенгаш бўлди. Кенгаш муносабати билан очиқ дарслар ўтказилди. Унга райондаги йигирмадан ортиқ мактабларнинг директорлари, уларнинг синфдан ташқари ўқув-тарбия иши бўйича ўринбосар ташкилотчилари таклиф этилган эди. Ҳамма йиғилгач, район халқ таълими бўлими мудирининг ўқув-тарбия иши бўйича ўринбосари Н. Н. Тухфатуллин кимлар қайси дарсга боришларини белгилади. Ўқитувчилар хонаси бирпасда бўшади қолди. Улар «Қилмиш-қидирмиш», «Гўзаллик ва куч», «Ҳадис ва замон», «Инсон одоби билан», «Адабиёт дарсларида ҳуқуқий тарбия», «Ҳуқуқнинг бузилиши, жазо», «Хушёрлик — турмуш тарзи» каби очиқ дарсларда иштирок этиш учун синфларга кириб кетдилар.

Аввалига бу дарслар «ҳужакўрсин»га ўйлаб топилган бўлса керак» деган хаёлга бордим. Ахир шунча йилдан буён ҳамма ишни сохта, номигагина ўтказишга ўрганиб қолдикки, оқибати барчага маълум... Бироқ Усмон Юсупов номли маҳалла қўмитасининг раиси Файзулла Абдурасулов бешинчи синф болалари билан ўтказган «Ҳадис ва замон» дарсидан сўнг янглишганлигимни, ҳаётимиз давомида миллатининг келажаги учун қайғураётган инсонлар кўп эканлигини англадим.

— Дарснинг олиб борилиши қониқарлими, зерикмадингизми?— сўрадик дарс тугагач болалардан.

— Йўқ, ниҳоятда мароқли...— бутун синф бир овоздан шундай деди.

— Ойига бир марта бўладими?

— Ҳафтасига бир марта, кўпроқ бўлса янаям яхши эди,— дилларидагини айтиб қўяқолишди болалар.

Маҳалланинг обрўсини, ота-онанинг ролини, мактабнинг, муаллимларнинг нуфузини ошириш, ёш авлоднинг аҳлоқ-одобини яхшилаш муаммосини ҳал этиш йўлида Асқар Сулаймонов кўп изланди. Унинг ташаббуси билан мактабда эски ўзбек ёзуви дарслари кўпайтирилди, маҳалла билан алоқа мустаҳкамланди, ҳаттоки, у маҳаллада масжид, болалар араб тилини ўқиш-ўрганишлари учун жой ажратилишида жонбозлик кўрсатди. Бундан ташқари маҳаллада муаллимларнинг обрўсини ошириш, ота-онанинг болага намуна бўлишлари хусусида турли суҳбатлар уюштиришни ташкил этяпти. Очиқ дарсларни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда у жумладан шундай деди:

— Аждодларимизнинг илм хазинасига, тажрибасига суянган ҳолда мактаблардаги тартибни, ҳам ички томондан, ҳам ташқи томондан яхшилашга киришдик. Биринчи навбатда маҳалла қўмитаси раиси ва котиби, ота-оналар қўмитаси билан биргаликда иш бошладик. Улар билан келишган ҳолда ҳар бир кўчага маҳалланинг эъзозли, эътиборли отахонларидан фаоллар тайинладик. Албатта, оқсоқолларимиз аҳволни тушунган ҳолда масъулиятни зиммаларига олдилар. Шунингдек, участка инспектори билан ҳам алоқани мустаҳкамладик. Агар бирор кор-ҳол рўй берса маҳалланинг жамоа кенгашида муҳокама қиладиган бўлдик. Иккинчидан эса директорнинг синфдан ташқари ишлар бўйича ташкилотчи ўринбосарига ҳамда синф раҳбарларига астойдил ишлашга тўғри келди. Ҳар бир кўча бўйича фаол бўлган маҳалла оқсоқоллари, спорт-соғломлаштириш ишлари, балоғатга етмаган ўсмирлар билан ишлаш инспекцияси, болалар ва ўсмирларнинг «Матонат» номли ташкилоти, маҳалла хотин-қизлар кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан узлуксиз биргаликда иш олиб борилди. Синф раҳбарлари синф ота-оналар қўмитаси билан ҳар бир ўқувчининг уй шароити, қариндош-уруғлари, қўшнилари, ҳатто дўсти ёки дугонаси ким эканлигигача синчиклаб ўрганиб чиқади. Ахир халқимизда шундай мақол бор-ку, дўстинг ким эканлигини айтиб берсант, мен сенинг кимлигингни айтаман. Шунга амал қилиб маҳалла билан алоқани мустаҳкамладик. Бундан ташқари мактаб оталиқ ташкилоти ҳамда маҳалла оқсоқоллари билан кенгашган ҳолда маҳаллада кечқурунлари араб тили бўйича таълим олиш хоналари очдик. Қарабсизки, кўчаларда бемаслаак изғувчи болалар камайди. Шу тариқа асосий эътиборни болаларга кўпроқ, чуқурроқ ва кенгроқ билим беришга қаратдик.

Очиқ дарслар юзасидан муҳокамада Усмон Юсупов номли маҳалла қўмитаси раиси Ф. Абдурасулов, Сирғали район Чоштепа даҳасидаги Алишер Навоий номли маҳалла қўмитаси раиси Б. Орифхўжаевлар мактабдаги ишларга ижобий баҳо беришаркан, болаларнинг тарбиясини бундан ҳам яхшилаш учун биринчи синфдан то ўн биринчи синфгача муқаддас китоблардан илм ўқитишни таклиф қилдилар.

Халқимизда бир болага етти қўшни ота-она, деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Бу дегани бир боланинг тарбиясига бутун маҳалла, ёшу қари бирдек масъул, жавобгар эканлиги, кўз-қулоқ бўлиб туриши зарурлигини англатади. Демак, «болани ўқитяптими, мактаб тарбияласин» ёки бўлмаса «ота-она тарбияласин» дея муносара қилиб, бола бир томонда қолиб кетмасдан, ҳамма ҳамкорликда бу ишга бош қўшса шубҳасиз, Сирғали районидаги Ҳамид Олимжон номли 237-ўрта мактабдагидек тартибинтизомга эришиш мумкин.

Т. ЕРҚУЛОВ.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ТОЖИКИСТОН ЗАЁМ ЧИҚАРМОҚДА

ТОЖИКИСТОН 2 миллиард сўмлик 1992 йил ютуқлар заёми облигацияларини чиқаради. Республика Вазирлар Маҳкамаси шу ҳақда қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланганидек, заём аҳоли орасида ихтиёрий равишда тарқатилади. Янги заёмнинг қимматли қоғозларига шунингдек 1982 йилги давлат ички заём облигацияларини алмаштириш ҳам мумкин. Маълумки, бу заём тиражларини ўтказишни МДҲ давлатлари ҳукуматлари тўхтатган эди.

ЕР ЙЎЛДОШИ ОРҚАЛИ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ

ҚОЗОҒИСТОН пойтахтида халқаро телефон алоқасининг Ер йўлдоши орқали ишлайдиган станцияси қуриб бўлинди. Австралиянинг «Ой-ти-си» фирмаси билан «Казтелеком» Қозоғистон корхонаси Американинг «Интелсат» йўлдош системасига чиқишни таъминлаш учун бор-йўғи уч ой талаб қилинди. Энди жаҳоннинг ҳамма мамлакатлари билан бемалол боғланиш имконияти туғилди. Олмаотада халқаро рақамли йирик телефон станцияси қурилиши яқин икки-уч йил ичида Қозоғистоннинг ҳар бир аҳолисининг республиканинг истаган нуқтасидан халқаро сўзлашувларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиради. Ҳозирча эса биринчи навбатда «валютали» абонентларга хизмат кўрсатилади. Австралияга қўнғироқ қилиб бир минут гаплашиш тахминан 48 сўмга тушади.

ЯДРО ҚУРОЛЛАРИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛМОҚДА

УКРАИНАДАН ҳозир тактик ядро қуролларининг 57 фоизи олиб чиқиб кетиб бўлинди. Бу ҳақда президент Л. Кравчук Киевга келган Франция ҳарбий делегацияси аъзоларига маълум қилди.

ХОТИРА УНУТИЛМОҚДА

«СОВЕТЛАР ҳокимияти учун ҳалок бўлган курашчиларга» хотира ёдгорлигида ёниб турган Мангу олов ўчиб қолди. Омск марказидаги бу машъалани ким ўчиришга буйруқ берганлиги ҳозирча номаълум. Шаҳарда чиқадиган оқшом газетасининг ёзишича, ошиб кетган газ ҳақини ким ҳам тўларди.

Ялпи тенглик, қардошлик, озодлик ғояси учун колчакчилар ўқига учган ота-боболар қабри ҳозир қаровсиз ҳолга тушиб қолмоқда.

АХБОРИЙ АЛОҚАЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН

ҚИРҒИЗИСТОН президенти Асқар Акаев ўрта Осиё минтақаси оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва барча журналистларига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ахборий маконни тиклаш даъвати билан мурожаат қилди.

Март ойининг биринчи ўн кунлигида Бишкекка энг йирик ва оммабоп нашрлар, жумладан, «Известия», «Рабочая трибуна», «Комсомольская правда» рўзномаларининг вакилларини таклиф қилиш мўлжалланмоқда.

Қирғизистон президентининг матбуот хизматидагилар марказий нашрларнинг ўз муҳбирларини сақлаб қолиш ва МДҲ давлатлари ўртасидаги манжуд ахборий алоқаларни бузмаслик керак, деб ҳисобламоқдалар.

ТЕМИРЙЎЛДА ҲАЛОКАТ

3 МАРТ соат 5 дан 20 минут ўтганда Октябрь темирйўлининг Ржев бўлимига қарашли Подсосенка разъездида ҳалокат юз берди. 4-рақамли «Рига—Москва» «Юрмала» тезюрар поезди юк состави билан тўқнашиб кетди. Тезюрар поезднинг олдинги учта вагони ёниб кетди. Москвага келаётган бу поезд тезликни пасайтиролмади ва светофорнинг сариқ чироғида ўтди. Иккала локомотив бригадалари ҳалок бўлди. Йўловчилар орасида ҳам бир неча киши ҳалок бўлди, кўп одам касалхонага ётқизилди.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

КИМ КУП ЕРДАМ БЕРМОҚДА

● ЎТГАН февраль ойида Россия Федерациясига ҳорижий мамлакатлар томонидан берилаётган ёрдам кўлами 20,5 минг тоннага кўпайди. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, Россияга ёрдам қўлини чўзаётган давлатлар қаторига биринчи марта Хитой, Испания, Исроил, Ирландия сингари янги мамлакатлар қўшилдилар. Энг кўп юк Буюк Британия зиммасига тўғри келди. Шундай қилиб, январь ойида Буюк Британия — 71 минг тонна, Германия Федератив Жумҳурияти — 20 минг тонна, Франция — 6,4 минг тонна турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кенг истеъмол товарлари жўнатдилар. Бу ҳақда ИТАР—ТАСС хабар берди.

ЯХШИ ҚУШНИЧИЛИККА НЕ ЕТСИН

● ФИНЛЯНДИЯ президенти Мауно Койвисто кунн кеча Карелия Жумҳурияти вакиллари билан учрашди. Мазкур мулоқотда Финляндия билан Карелия Жумҳуриятининг турли хил ноҳиялари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, Финляндия билан Россия чегарасига даҳлдор мусоҳабалар ҳам бўлиб ўтди. Президент маҳкамаси тарқатган баёнотда Финляндия билан Карелия ноҳиялари, шунингдек, Россия билан истиқболдаги муносабатлар илгаригидек бўлишлиги таъкидланди. Зотан, дейилади маҳкама баёнотида, ҳозиргача икки ўртадаги ҳамкорлик ва муносабатлар яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва самимийлик руҳида бўлиб келди.

СУРИЯГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАНКЛАР

● ЯҚИНДА Польшанинг Шецин портидан Чехословакиянинг ҳарбий заводларида совет технологияси асосида ишлаб чиқарилган 16 та «Т-72» танклари ортилган юк кемаси Сурия томон жўнаб кетди.

Ўтган йил охири ва шу йил бошларида Сурияга Ўрта Оврўпо давлатларидан ҳарбий қурол-яроғлар етказиб беришга даҳлдор анча-мунча гап-сўзлар бўлиб ўтди. Жумладан, шу йил январида Германиянинг танклар ортилган «Годевинд» деган кемаси Ўрта Ер денгизида немис қўриқчи кемалари томонидан ушланди. Унинг устида танклардан ташқари ҳарбий понтонлар ҳам бор эди. Бонн ҳукуматидан ижозатномаси бўлмаганлиги боис мазкур кема орқага — Польшага қайтишга мажбур бўлди.

Эндиликда аҳвол бироз ўзгарди. Гап шундаки, қуролларни бошқа ерларга етказиб бериш муаммоси билан Польша—Чех «Интерспед» қўшма пароходчилик компанияси ҳам шуғулланишга киришди. Бу компания шу кунларда Сурияга Прага томонидан сотилган 150 танкни беш ой мобайнида етказиб бериш режаларини ишлаб чиқмоқда. Шу муносабат билан «Интерспед» вакили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг чет эллардан қурол-яроғлар сотиб олишни ман этиш тўғрисидаги тақиқи Сурияга тегишли эмас, деб айтди.

«ЛОҚАЙДЛИГИ» УЧУН БЎШАТИЛДИ

● ЧЕХОСЛОВАКИЯ президенти Вацлав Гавел жумҳурият Бош прокурори Иван Гашпаровични эгаллаб турган лавозимидан бўшатди. У мамлакат бош прокурори этиб 1990 йил январида тайинланган эди.

И. Гашпаровичнинг истеъфога жўнатилишига президент Гавел номига тўртта ўнг партия депутатларининг ёзган мактуби сабаб бўлди. Мазкур хатда бош прокурор «ташаббуссизлик» ҳамда «лоқайдлик»да айбланди. Ўнг партия вакиллари бўлган депутатлар олдинги тузум даврида Чехословакияда инсон ҳуқуқларини поймол этишга тегишли бўлган масалалар бош прокурор томонидан чуқур текширилмаётир, деган айбни қўйдилар.

КАДДАФИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИГА ДЎИР

● ҒАРБ сиёсатчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари Ливия инқилобининг раҳбари полковник Муаммар Каддафий гапларидан ҳеч қачон таажжубга тушишмаган. Бироқ, унинг ўтган душанба куни мамлакат парламентида сўзлаган нутқи ҳаммани лол қолдирди.

Гап шундаки, Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев яқинда Қоҳирада бўлганида 1988 йил декабрида Шотландиянинг Локерби шаҳарчаси устида портлаб кетган «Пен-Америкэн» тайёраси ҳалокатига даҳлдор деб гумон қилинган ливиялик икки кишини БМТ Бош котиби ихтиёрига юбориш ва улар устидан мўлжалланган судни бетараф бирон-бир мамлакатда ўтказиш фикрини ўртага ташлаган эди. Ливия ташқи ишлар вазири Бишарий ҳам ҳамкасбининг бундай гапларини қўллаб-қувватлаган.

Бироқ, орадан 24 соат ўтар-ўтмас Ливия раҳбари ўз вазирининг гап-сўзларини йўққа чиқарди. М. Каддафий Россия режаси ва БМТ воситачилиги тўғрисидаги усулларни ҳам рад этди. Ўзининг шундай қарорга келганлигига сабаб қилиб кўрсатган М. Каддафийнинг важлари бирон-бир туэукроқ мантиқий асосга эга бўлмади. Унинг «мен БМТ бош котибига ҳеч қандай президентлик ҳокимиятига эга эмаслигимни тушунтирдим», шу боис, Ливия фуқароларини четга бериш тўғрисида бирон-бир қарор қабул қилиш ваколатига эга эмасман, деган сўзларини қандай тушунса бўлади?!

М. Каддафий нутқининг энг муҳим жиҳатларидан иккинчиси — унинг Ғарб мамлакатларига, жумладан, Америка, Исроил ва Буюк Британия шаънига айтган дўқ-пўписалари бўлди. Ғарб, деди Ливия раҳбари, бизнинг миятақамизни Исроил зўравонлигига бўйсундирмоқчи. Ливия АҚШнинг дўқ-пўписасидан ҳамда унинг атом бомбасидан қўрқмайди. Ливия халқи Америка зўравонлиги остида яшагандан кўра ўлимни афзал билади. Биз Вашингтонга жавоб зарбаси беришга тайёрмиз.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ЭЪТИҚОД 1

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ НАШРИ

ҲАҚИҚАТ МИНБАРИ БЎЛИБ ҚОЛСИН

Э. РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби

«Эътиқод» сўзи азалдан ишонч, маслак, имон ўрнида рамзий маънода кенг қўлланиб келинган. Унинг замирида нимагадир, кимгадир бўлган ички ишонч ётади. Зеро халқимиз ўз фикрида қатъий турадиган, сўзининг устидан чиқадиган пок одамларни «эътиқодли киши» деб аъзозлаб келган. Халқнинг бошига мушкул кунлар тушган дамларда бундай кишиларнинг фазилатлари — мардлиги, жасорати, фидоийлиги, тадбиркорлиги асқотиб, унинг руҳига маънавий мадад берган. Яхши кунларда ҳам халойиқ шундай кишилар теварагида жам бўлган. Қисқаси, имон, эътиқодли кишилар барча даврларда ҳам даврнинг масъулиятини ўз зиммаларига олишган. Халқни эзгу мақсадлар сари бошлашган, керак бўлса, бу йўлда жонларини ҳам аямаган. Шу боис бундай кишилар ҳар доим халқнинг тоғдек таянчи, миллий ғурури бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Айни пайтда беҳад оғир кунларни ўз бошимиздан кечиряпмиз. Лекин келажакка, яхши кунларга бўлган ишончимиз йўқолгани йўқ. Чунки халқимизни саодат йўлига бошлаётган, тўғри йўлни топишга даъват этаётган маънавий-сиёсий кучлар бор. Ўзбекистон Халқ демократик партияси шундай қудратли куч бўлиб юзага келди. Ўзбекистон ХДП халқимизни иқтисодий танглик, маънавий инқироздан олиб чиқиш машаққатларини ўз зиммасига олган. Унинг дастурий мақсадлари жумҳуриятимизнинг иқтисодий-сиёсий мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Демак, мустақиллик шарофатидан чинакам баҳраманд бўлишга, жумҳурият аҳлининг истиқлолга бўлган ишонч-эътиқодини мустаҳкамлаш вазифаларнинг вазифасидир. Рўзномадаги рўзнома — «Эътиқод» деб номланиши ҳам бежиз эмас. У айни истиқлолимиз руҳига монанд.

Қарам ёмғури қайдаким сочилур,
Анга оқибат гул бу навъ очилур.

(Яъни, қаергаки карам ёмғири сочилар экан, ниҳоят у ерда мана шундай гуллар очилғусидир), — деган экан ҳазрат Навоий, Дарҳақиқат, рўзномамиз яхшилик ёмғирини сочишга ҳаракат қилади. Унда мустақиллик йўлида фидоийлик кўрсатаётган партия аъзоларининг намунали иш тажрибаси, янгича ишлаётган партия ташкилотларининг, партия фаолларининг фаолияти ёритилиб борилади. Янгича фикрлаётган кишиларнинг партиямиз обрўсини кўтаришга бағишланган мулоҳазалари, мулоқотлари ўрин олади. Рўзнома миллий низолар қалқиб турган қалтис бир вазиятда вилоятимиз ҳудудида истиқомат қилаётган барча халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга, янгича иқтисодий муносабатларни қарор топтиришга хизмат қилади.

Ушбу рўзномадаги рўзнома ҳажман мўъжаз бўлса ҳам республикамизнинг мустақиллик йўлидаги қадамларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган партиямизнинг мақсади, маслаги, вазифаларини тушунтиришда, унинг қарорларини амалга оширишда халқнинг беназир кўмакчиси, яқин маслаҳатчисига, ҳақиқат ва адолат минбарига айланади, деган умидимиз бор.

Партиямиз зоҳирий жиҳатдангина эмас, балки ботинан ҳам халқникидир. Шу боис унинг саҳифасида ҳаётнинг ўтли, қайноқ тафти, халқ вужудининг ҳарорати ифодаланиши керак. Халқимиз имон-эътиқодли. Унинг вужуди меҳнатдан чиниққан, кўнгли пок, ҳалоллиқдан куч-қувват олган. Гулистондан узилган гул қурийди. Халққа таянмаган, унинг саъйи-ҳаракатидан баҳраманд бўлмаган ҳар қандай сиёсий куч ҳам парокандаликка юз тутади.

Жамият мафкурасиз, инсон эса ишонч-эътиқодсиз яшай олмайди. Рўзномадаги рўзнома бу борада халқ билан партия ўртасида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилиши керак. Унинг ҳаёт билан ҳамнафаслиги, ҳозиржавоблиги сиз муштарийларнинг иқтидору салоҳиятингизга боғлиқ. Сиз қанчалик фаол, қанчалик талабчан, қанчалик ишбилармон, қанчалик нуқтадон бўлсангиз рўзномадаги рўзнома ҳам шу қадар ўқимишли бўлади, ижтимоий фикр кўзгусига айланади.

«Эътиқод»га оқ йўл тилайман. У муштарийлар қалбига йўл топа олади, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси кундан-кунга салмоқлироқ қадам ташламоқда. Сафларимиз ўсиб, кенгайиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янгиобод шаҳар ташкилотига 1992 йилнинг январь-февраль ойларида ҳар куни ўртача бир киши аъзо бўлиб кирди. Тўғри, сафимиз ҳали унчалик катта эмас, 400 кишидан ортиқроқ. Лекин шаҳар жамоат ҳаётида унинг таъсири ўсиб бораяпти. Барча шаҳар ва районлардаги сингари биз ҳам Халқ демократик партияси шаҳар Кенгаши иш дастурини ишлаб чиқдик ва унинг асосида келгуси режаларни белгилаб олдик. Улар асосан бажарилмоқда.

Айниқса, партия фахрийлари, собиқ коммунистлар томонидан бошланғич партия ташкилотларига бўлган қизиқишни ишонч билан қайд қилиб ўтмоқчиман. Янги сиёсий ташкилотга биринчи бор кирган аъзоларимиз, ишимизга, айниқса, қизиқиш билан қарамоқдалар. Қисқача қилиб айтганда, одамлар партиямизга умид билан қараб, унинг тутган йўлига, мақсади ҳамда вазифаларига, дастури ва уставита ишонишмоқда. Шу сабабли биз бу ишонч ва умидни амалий ишлар билан мустаҳкамлашимиз лозим. Ҳозирги кунда республикамиз сиёсий ҳаётининг тирик тўқималарини тилка-пора қилиб юборувчи қарама-қарши жараёнлар рўй бермоқдаки, биз четда томошабин бўлиб қолмаслигимиз керак.

Шу йил февраль ойининг бошларида Ўзбекистон Янгиобод Халқ демократик партияси шаҳар Кенгашида юқоридаги масалалар бўйича қизиқарли ва жонли суҳбат бўлди. Пленумда Халқ демократик партияси вилоят тафтиш комиссияси аъзоси Т. Ортиқовнинг барча партия аъзоларига мурожаати жиддий ва қизиқарли бўлди. «Бизнинг оиламизда,— деди у нутқида,— кўпинча акам ва мен ўртамизда қизғин тортишувлар бўлиб турибди. Мен Халқ демократик партиясидаман, акам илгари «Бирлик» дастурини қўллаб-қувватлаган бўлса, ҳозир «Эрк» партияси аъзоси.

Биз, партиямиз намоёндалари ўз ишимиз ва сўзимизда қатъийроқ бўлишимиз, ўзимизнинг сиёсий муҳолифларимизга ишончли ва тушунарли тарзда жавоб бера олишимиз, уларга бизнинг дастуримиз мақсадларини айтиб бераётганимизда бошқаларникидан афзаллигини кўрсата олишимиз шарт».

Шунга ўхшаш фикрларни уруш ва меҳнат, партия фахрийси, красногорсклик пенсионер В. А. Емцова, «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Г. Х. Сидаковлар ҳам айтишди.

ХДП шаҳар Кенгаши шаҳар ишлаб чиқариш асосий қисмининг иш йўналиши ўзгараётган пайтда шаҳримиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялашни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Ҳозирги кунда тор рудаси ишлаб чиқариши кескин қисқарди, асбобсозлик корхонаси қийин ва мураккаб шароитда қурилмоқда. Буларнинг ҳаммаси бизнинг олдимизга ўз навбатида аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш вазифасини қўйди. Яна бир муаммо — шаҳримиз ва посёлкаларимиз аҳолиси асосий қисмининг қариётганлиги, пенсионерларнинг, аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз қисмининг кўпайиб кетаётганлигидир. Уларнинг барчасига эътибор ва ижтимоий ғамхўрлик лозим.

Шаҳримиз ва посёлкаларда тиббий хизмат, турар-жой, коммунал хўжалик меҳнати, алоқа муассасалари иши, транспорт хизмати муаммолари бизнингча ўз ечимини кутмоқда. ХДП шаҳар Кенгаши ва унинг бюроси, бошланғич партия ташкилотлари, партия аъзоси бўлган депутатлар ёрдамида ва мавжуд маблағ ва усуллар билан бу масалаларни ҳал этиш ишига керак бўлган тақдирда аралашамиз.

Олдимизда ижтимоий-сиёсий марказлар, партия фаолларини ўқитиш, ёшлар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ишлашни янгидан бошлаб, такомиллаштириш вазифаси турибди.

Ўзбекистон ХДП сафида, унинг шаҳар отрядида рус тилида сўзлашувчи аҳолининг маҳаллий миллат вакилларига нисбатан камлиги ҳақли равишда бизни ташвишлантирмоқда. Ахир шаҳримизнинг 80 фоиз аҳолиси маҳаллий бўлмаган, рус тилини ўз тилим деб билган аҳоли ташкил этадида. Бизнинг ҳаракатларимиз натижасида муз ўрнидан кўчди. Ҳозирги кунда кўплаб рус тилида сўзлашувчилар сафимизга кириб келмоқда. Лекин бу билан хотиржамликка берилмаслигимиз, рус тилида сўзлашувчиларни ўз сафимизга кўплаб жалб этаверишимиз шарт.

Шунга ўхшаш муаммолар табиийки кундалик фаолиятимиз жараёнида аста-секин ҳал қилинади деган умиддамиз. Шу муносабат билан вилоят Кенгаши ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига бир неча таклифимни киритмоқчиман.

Республика телевидениеси ва радиоси партиямиз ҳаёти тўғрисида кам ахборот беради. Бошланғич партия ташкилотлари ва партия фаолларига ёрдам берувчи бюллетень ва кўрсатмалар ниҳоятда оз. Бизнинг фикримизча марказий ва вилоят партия Кенгашлари, Тошкент сиёсат ва бошқариш институти ўқитувчилари иштирокида шаҳар ва районларда 2—3 кунлик ўқув семинарлари ўтказиш вақти келганга ўхшайди. Бунда сиёсий кунлар ўтказиш тажрибасини қўллаш мумкин.

Ҳудудий бошланғич партия ташкилотларига алоҳида эътибор лозим. Чунки уларнинг ҳар бир қадами биринчи қадамдир. Ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик партиянинг бу улкан қисмига халақит бермоқда.

Ушбу мақолада партиямизнинг бугунги ва эртанги кунига тааллуқли муаммолардан айримлари қолиб кетган бўлиши мумкин. Агар яқин ўртада мен юқорида айтиб ўтган таклифларимдан бир қисми ҳаётга тадбиқ этилса, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча тузилма бўлинмалари, жумладан бизнинг шаҳар отрядимизда ҳам партиямизнинг дастурий мақсадлари ва Низом талабларига асосан эртанги кунимизга ишонч туйғулари пайдо бўларди.

О. МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Янгиобод шаҳар Кенгашининг биринчи котиби.

● Вилоятимизнинг 22 район ва шаҳарларида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Кенгашлари тузилган.

● Айни пайтда уларнинг 31 минг 935 аъзоси бўлиб, 1 минг 62 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашишган.

ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР КЎП

ЎзХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЎзХДП Бўстонлиқ район Кенгашининг ижроия мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Қозоғистон · 30 йиллиги» ва «Паргос» номли жамоа хўжаликларида бошланғич партия ташкилотларининг сафини ўстириш, аъзолик бадалларини тўплаш ва ички партиявий ишларнинг олиб борилиши атрофлича муҳокама қилинди. Тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилди ва қарор қабул қилинди.

Район партия фахрийлари билан бўлган учрашувда эса фахрийларнинг ёшларга қараата мурожаатномаси қабул қилиниб, райондаги «Бўстонлиқ овози» рўзномасида чоп қилинди.

Шунингдек, Хумсон қишлоқ бошланғич партия ташкилотида, Ленинград жамоа хўжалигида, «Бўстонлиқ» жамоа хўжалигида ҳам бошланғич партия ташкилотларининг ХДП аъзолари партия мажлислари бўлиб ўтди.

●

ЧИНОЗ районида Халқ демократик партияси район Кенгашининг навбатдаги семинар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда барча бошланғич партия ташкилотларининг котиблари иштирок этдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жойлардаги роли тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Шуни айтиш керакки, бу семинар-йиғилишни ҳар томонлама жонли, таъсирли қилиб ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилди. Шунингдек, йиғилишда бошланғич партия ташкилотларининг котибларига жойларда ишни ташкил этиш юзасидан тегишли маслаҳат ва кўмаклар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби У. Т. Турғунов ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг бўлим мудири Ш. И. Шоисломов иштирок этдилар ва йиғилиш қатнашчиларининг саволларига жавоб бердилар.

●

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши умумхалқ байрами — «Наврўз» айёмини бу йил ҳар томонлама намунали ўтказиш юзасидан барча фуқароларга қарата мурожаатнома қабул қилган эди. Бу мурожаатномани Бекобод райони меҳнаткашлари ҳам муносиб кутиб олдилар ва қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бекобод район Кенгашининг ижроия бюросининг бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ҳам «Наврўз»ни районда намунали ўтказиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ва тайёргарликнинг бориши муҳокама этилди.

Районда шу йилнинг 14 март куни «Наврўз» байрами шарафига умумхалқ ҳашари ўтказишга қарор қилинди. Ҳозирнинг ўзидаёқ районда бу умумхалқ байрамига бағишланган тадбирлар қизитиб юборилди.

●

ХАЛҚ демократик партияси Ўрта Чирчиқ район Кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг омма ўртасида таъсирини ошириш, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш борасидаги фаолияти кўриб чиқилди.

Бошланғич партия ташкилоти ҳисобида 72 аъзо бўлиб, улар хўжалик фаолиятининг ҳал қилувчи бўғинларида фаолият кўрсатишмоқда.

Бозор нисбатига ўтиш шароитида хўжаликда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилаяпти. Қайта ишлаш корхоналари, атлас тўқиш цехлари ишга тушяпти. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имконини бермоқда. Амалга оширилаётган ана шу тадбирларда ХДП аъзолари фаолияти мажлисда алоҳида таъкидланди. Партия ташкилоти, касаба уюшмалари билан ҳамкорликда хўжалик аъзолари таъминотини яхшилашдаги ибратли ишлари ҳам қайд этилди. Лекин, парламент фаолиятидаги суслиги танқид қилинди.

МЕН ҲАМ ОНАМАН

СССР йўқ бўлган бир пайтда ёшларнинг ҳарбий хизматларини ўташ билан боғлиқ масала кейинги пайтларда мени ҳам она сифатида кўп ўйлантирмоқда. Орамизда бу масалага бефарқ қарайдиганлар бўлмаса керак деб ўйлайман.

Мустақиллик деб жаҳонга жар солаяпмиз-ку, бугунги кунда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзолари бўлган давлатларда ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларимиз қочиб келмоқдалар. Нега бундай бўлаётганлигини тушунтириб берувчи, қочиб келишга сабаб бўлаётган салбий ҳолатларнинг илдизини йўқотиш билан шуғулланадиган мард топилмаётир. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, эрта-индин тузилиши муқаррар бўлган мустақил Ўзбекистон армиясида ҳам ёшларимиз фахр билан хизмат қилиш туйғуларини йўқотиб қўядилар.

Менинг таклифим, мустақил Ўзбекистоннинг ҳарбий қасамёди ҳар бир йигитимизга насиб этса. Республика Президентига ва Олий Кенгашга шу масалада таклиф билан чиқсак. ХДП бу масалага ечим топа олса, партиянинг обрўйи халқ олдида, айниқса, оналар олдида янада ошган бўлур эди.

Яна бир муаммо, бу ХДПнинг хотин-қизлар Кенгашларига муносабати масаласидир. Тўғрисини айтганда, собиқ коммунистик партия раҳбарлик қилганда, хотин-қизлар Кенгашлари иши эътибордан четда қолмасди. Ҳозир эса ҳеч ким аёллар Кенгашлари билан шуғулланмай қўйди. Аёллар не-не жараёнларни бошидан кечирмоқда. Аёл ўзини-ўзи ёқса, иродасизлик қилса, онла бузилса аёлларни бардошли эмаслиги, енгил табиатли эканлигини оқибати деб қаралмоқда.

Бунинг ҳаммаси тўғри дейлик. Бироқ, аёлнинг ўлимига сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир этган, оиласини бузилиши сабабчиси, ҳақиқий оила бошлиғи вазифасини бажара олмаган эркаклар эса беайб. Демак, аёлларга озгина эътибор, меҳнатини енгиллаштириш зарур. Шунинг учун мен бир неча йиллардан буён амалга ошмаётган муаммони эслатмоқчиман.

Хотин-қизлар иш соатини қисқартириш зарур. Бунда иш ҳақи тўла сақланишини ҳисобга олиш лозим. Биз истардикки, дастурдаги бу масала бу сафар ҳам қоғозда қолиб кетмаса. Ва ниҳоят бугун биз Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлган вилоят раҳбарларидан хотин-қизлар Кенгашлари ишини яхшилашга хизмат қилувчи талабимизни амалда бажарилишини сўрашга ҳақлимиз деб ўйлайман. Бу талаб хотин-қизлар Кенгашлари раиси лавозими ҳақ тўланадиган бўлишидир. Раҳбарлар бюджетда маблағ йўқ дейишлари мумкин. Бюджетни чуқурроқ ўргансак, маблағ топилар.

Шунинг учун вилоят ҳокимига бу муаммони ҳал этишга таклиф билан чиқсак, ҳайрли иш қилган бўлардик.

М. АБДУЛЛАЕВА,
Бўка район хотин-қизлар Кенгашининг раиси.

ОММА ОРАСИДА

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА

Шаклан ва моҳияти жиҳатидан янги типдаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси вужудга келди. У ўз сиёсатини демократик қоидалар асосида олиб бориб, уни амалга оширишда халқнинг кенг иштирокига таянмоқда.

Партиямизнинг олдида турган энг муҳим ҳозирги вазифаси умумхалқ ишончини қозонишдан иборатдир. Бунинг учун эса халқ билан очиқ мулоқотда бўлишимиз, ҳар қандай қийин ва мураккаб шароитда ҳам кишиларнинг тўғри йўл топишига ёрдам беришимиз, амалий фаолиятимизда адолатли сиёсатимиз билан халқнинг ишончини қозонишимиз керак.

Энг муҳими, ишимизда ҳамжиҳатлик зарур. Партиямиз халқнинг турмуш фаровонлигини оширишни ва уларнинг манфаатларини тўла ҳимоя қилишни ўзининг асосий дастурий вазифаси қилиб белгилаган. Партиямиз янгича шароитда ишлаяпти. Шунинг учун унинг олдида ўзига хос қийинчилик ва муаммолар ҳам туғилмоқда.

1991 йил 26 ноябрь куни халқ таълими ва ўқув юртлари партия аъзоларининг шаҳар Кенгаши биносининг мажлислар залида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишга шаҳар мактаблари ва ўқув юртларидаги партия аъзолари, шаҳар халқ таълими мудири, шаҳар Кенгашининг котиблари қатнашдилар.

Мажлисда вилоят партия конференцияси делегати, 8-мактаб директори Б. А. Асқаровнинг конференция иши тўғрисидаги ахбороти эшитилди ва ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар Кенгаши қошида халқ таълими ва ўқув юртлари партия қўмитаси тузилди. Очиқ овоз бериш йўли билан партия қўмитасининг 9 нафар бюро аъзоси сайланди. Партия қўмитаси котиби этиб Ф. К. Каримов, ҳамкотиб этиб И. И. Ересько, бюро аъзолари этиб Б. А. Асқаров, Д. О. Одирматов, Л. Б. Фролова, Э. Э. Эшматов, В. Д. Зеленченко, Н. Н. Ли, Т. Я. Першиналар сайландилар.

Биз ҳозирги қийин ва мураккаб шароитда партия ишимизни олиб боряпмиз. Халқ орасида партиямизни мақсадини, партиянинг Низоми ва Дастурини кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш давомида муайян ишларни бажаряпмиз. Бу ерда айниқса, партияга қабул қилиш соҳасида маълум тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, шу йилнинг 1 февралида партия қўмитаси ҳисобида 231 нафар аъзо бўлиб, шундан 120 киши Ўзбекистон Компартияси аъзолигидан Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб қайта рўйхатдан ўтдилар. 111 киши эса сафимизга янгидан қабул қилинди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, партиямизнинг ташкилий шаклланиш даврида айрим ютуқларни қўлга киритишимиз билан бирга, бир қатор камчилик ва хатоларга ҳам йўл қўйилди. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки ҳали биз иш юритишимиз учун партиянинг тартиб-услубий ҳужжатларига эга эмас эдик.

Ҳозирдаёқ кўп муаммоларга дуч келяпмиз. Бу партия билетларини бўлмаганлиги, оммавий ахборот воситаларида партия ишларини кам ёритилиши, ЎзХДПнинг жамоа ва бошқа ташкилотлар билан алоқасининг бўшлиги ва бошқалар. Тўғри, партиямизда янги ташкилий ишлар давом этяпти. Лекин давр партия аъзоларига, фаолларга суяниб ишлашни, кучли партияга айланишни талаб қиляпти. Фақат шундай партиягина халқ ишончини қозониб, халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қила олади.

Фозилжон КАРИМОВ,
ЎзХДП Ангрен шаҳар Кенгаши партия ташкилотчиси, шаҳар ўқув юртлари партия қўмитасининг котиби.



Расмиятчиликдан чекиниб, кишилар билан дилдан суҳбат қуришга нима етсин.

Суратда: Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби Э. Рўзиев ҳамда вилоят Кенгашининг котиби Ш. Жалиловлар Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги аъзоси Худойберди ака Раҳмонов ва Оққўрғон шаҳридаги Василий Рогачевлар хонадонида.



КИМ ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОСИ БЎЛА ОЛИШИ МУМКИН?


Шунга ўхшаш саволларга республика Халқ демократик партиясининг янги Низомида жавоб топиш мумкин. Шундай қилиб Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолигига Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб, 18 ёшга етган, партия Ҳаракат Дастурн ҳамда Низомини тан олган, партияни моддий жиҳатдан қувватлайдиган киши аъзо бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ХДП аъзолари ягона партия билетига эга бўладилар.

Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлиш фуқароларнинг конституцион ҳуқуқи ва эркинлигини чекламайди. Виждон эркинлигини таъқиқламайди. Лекин бу партия аъзоси бўлган шахснинг ўзга партияга аъзо бўлиши мумкин эмас.

Саҳифа Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгашининг матбуот маркази ва «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг ходимлари билан ҳамкорликда тайёрланди.

РЕЖИССЁР МЎЪЖИЗАСИ



• *Санъаткорлар даврасида*

РЕЖИССЁР истаса телефон дафтарчасидаги рақамлардан ҳам чиройли спектакль қўя олиши мумкин. Фақат иқтидори кучли, тафаккур қуввати бой бўлса. Бу, албатта, ижодий мўъжиза бўлади. Назаримда, Марат Азимов ана шундай режиссёрлардан. Ваҳоланки, у театрда режиссёр сифатида яқинда, яъни 1988 йили пайдо бўлди. Ҳозир унинг Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театр сахнасида қўйган томошалари театрнинг томошабинлар энг кўп тушаётган асарлари ҳисобланади. Хусусан, драматург Фарҳод Мусажоновнинг «Нажот истаб» драмаси асосида яратилган спектакль ёшларнинг севимли томошасига айланди. Уни актёрлар меҳр-муҳаббат билан ўйнашади, томошабинлар ҳам ҳаяжон билан томоша қилишади. Марат Азимов бу асарда одамлар дардини ифодалай билди. Ваҳоланки, бу пьесани жуда кўп атоқли режиссёрлар қўя олмаганди. Аниқроғи, улар ҳамиша Шекспир, Шиллер, Чехов, Мольер, Гоцци асарларини оғиз кўпиртириб мақташардию, аммо ўзбек муаллифларига беписанд қараб келишарди. Режиссура масаласида Станиславский, Товстоноговларга таъзим қилиб, миллий драматургиямиз ва режиссурамиз ютуқлари борасида сўз борганда: «ҳа энди», деб қўя қолардилар. Мана шу баландпарвозлик ва калондимоғлик миллий театрларимизни маълум даражада турғунликка олиб келгани сир эмас. Ҳатто шундай кинояли иборалар ҳам юзага келдики, «Ҳар жумада — таржима», дейишадиган бўлишди. Томошабинларимиз таржима асарлардан тўйишган, шекилли, эндиликда жаҳон театр санъати дурдонаси бўлган асарларга ҳам кирмай қўйдилар.

Шу боисдан ҳам Марат Азимов кўпроқ миллий драматургиямизга қўл уриб, янглишмади. У дастлаб Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ» достонини саҳналаштирди. Спектакль ўқувчиларнинг қишки таътил кунлари бир кунда ҳатто 4 марталаб ўйналди. Бу асардан у болалар қалбига етиб борувчи гавҳар нурини топди. Режиссёрнинг бу катта ютуғи эди. «Нажот истаб» ва «Семурғ» Марат Азимовнинг дадил ва изланувчан ижодкор эканлигини тасдиқлади.

Марат илгари театрда актёр бўлиб ишлади. Кейин уни Москвага режиссёрлик ўқишига юборишди. Малий театрда Россия халқ артисти, режиссёр Б. Н. Львов-Анохин раҳбарлигида икки йил таҳсил кўриб қайтгач, «Семурғ»ни қўйди. «Нажот истаб» спектаклини амалий иши сифатида, саҳналаштирди. 1990 йил январь ойидан эса Ҳамза номидаги театрга режиссёр сифатида ишга қабул қилинди. Бадиий кенгаш унга «Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома» пьесасини қўйишни таклиф этди. Марат уни ўқиб чиқиб, розилик билдирди. Асар устида дадил иш бошлади. Унга Ўзбекистон халқ артистлари Толиб Каримов, Рихси Иброҳимова, Ширин Азизова, Эркли Маликбоева, Икромя Болтаева, Яйра Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаровлар яқиндан маслаҳат беришиб, муаллифни қайта-қайта ишлатишди. Айрим актёрлар эса спектакль бадиий кенгашга топширилгунча ҳам режиссёрга шўҳа билан қараши. Айримлар ҳатто театр директори ҳузурига кириб, спектакль кетмаслиги ҳақида «башорат» ҳам қилишди. Лекин Марат иккиланмади: охир-оқибатда мана кўрасизлар, деб ўз сўзида қатъий турди ва томошабоп асар яратилди. Ниҳоят, 1990 йил 30 апрелда спектакль бадиий кенгашга муваффақиятли топширилди. Театр Бухоро вилоятига ижодий сафарга кетиши керак эди. Шунинг учун дастлабки томоша Бухорода ўйналадиган бўлди. 15 майда асарнинг илк намойиши муваффақиятли ўтди ва сафар давомида сайқал топди. 12 июнда эса Тошкентда ўйналди. Одам ёғилиб келди, чипталар қўлга чиқиб кетди. Томоша ҳар уч кунда бир ўйналса ҳам, томошабин залга сиғмай қолаверди. Охири 21 сентябрда 4200 ўринли Халқлар дўстлиги саройида намойиш қилиш режалаштирилди. Марат Азимовни ҳаяжон босди: «Томошабинлар танқис вақтида одам келмай қолса-я?».

21 сентябрь. Томошабинлар саройга оқиб келмоқда. Қаранг, жумҳуриятимизнинг энг катта томошагоҳи театр муҳлислари билан лиқ тўлди. Режиссёр актёрларга энг охирги маслаҳатларини берди. Хуллас, спектакль муваффақиятли ўйналди. Бу — Марат Азимов учун масъулиятли имтиҳон бўлди. Шунда у асардан одамларнинг эътиборини торта биладиган жозиба кучини топганлигини англади. Шу боисдан ҳам бу спектакль ҳамон муваффақиятли ўйналмоқда. Асарни камситишга уринган баъзи бир адабиётшунос ва театршунослар тилини тишлаб қолишди. Шу йил 15 январда Ҳамза номли театр саҳнасида у 100-марта намойиш қилинди. Шу куни ҳам томошабинлар асар илк бор кўрсатилганидай тирбанд бўлдилар.

Шундан сўнг Марат Азимов ёш драматург Иброҳим Содиқовнинг «Афандининг беш хотини» комедиясини ҳам иштиёқ билан саҳналаштирди. Латифаларга асосланган бу томоша ҳам театр мухлисларининг севимли асарига айланиб бормоқда. Режиссёр бу пьесанинг ҳам нур таратувчи гавҳарини топди. Маратнинг бир яхши хусусияти бор: у актёрлар билан жуда яхши тил топиб ишлайди. Натижада актёр, режиссёр ва драматург ҳамнафаслигида яхши асар пайдо бўлади. Масалан, режиссёрга Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг «Унсиз фарёд» пьесасини топширишди. М. Азимов тезда драматург ва актёрларнинг бошини қовуштириб ишни йўлга қўйди, натижада томошанинг илк намойиши яхши ўтди. Буни ҳам режиссёр мўъжизаси деса бўлади. Шунингдек, ҳазрати Алишер Навоий йилида «Сабъан сайёр» достони асосидаги спектаклни саҳнага олиб чиқди. У томошабинлар ва навоийшунос олимларда яхши таассурот қолдирди.

Марат Азимовнинг режиссурада бундай ютуқларга эришишининг сири нимада деган ҳақли савол туғилади. Биринчидан, Маратга санъаткорлик отамерос. Унинг отаси, раҳматли Ғофир Азимов машҳур доирачи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Муҳиддин Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясининг созандаси эдилар. Марат даставвал отаси изидан бориб, доира чалишни машқ қилди. Лекин уни кўпроқ актёрлик ўзига тортарди. 1963 йили Ҳамза номли театрда бош режиссёр А. О. Гинзбург бошчилигида театр-студияси очилди. 18 ёшли Марат ана шу ерга қатнай бошлади. 1964 йили ҳарбий хизматга чақирилди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, тўғри Уйғур номли Санъат олийгоҳининг актёрлик куллиётига имтиҳон топширди. Омади келиб, танловдан муваффақиятли ўтди. 1971 йили бу таълим-тарбия даргоҳини битиргач, Ҳамза театрига актёрликка ишга таклиф қилишди. Мана, 21 йилдан бери у шу ерда атоқли ва ёш санъаткорлар билан бирга хизмат қилиб келмоқда. Унинг режиссёрлигига замин бўлган манбалардан бири — 15—16 йиллик актёрлик фаолиятидир. Марат яратган 50 га яқин образлар ўз вақтида театр жамоатчилиги ва томошабинлар томонидан муносиб баҳоланган. Хусусан, Уйғуннинг «Абу Райҳон Беруний» драмасида Маъсуд, Ў. Умарбековнинг «Аризасига кўра»сида Элёр, Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди»сида Тоживой соққа, Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда»сида Оқйигит, Шиллернинг «Қароқчилар»ида Шуфтерли кабилар театр мухлисларининг эсларида бўлса, ажаб эмас. Булардан ташқари, Марат Азимов қатор телефильм, видеофильм ва телеспектакларда ҳам 100 га яқин катта-кичик роллар ўйнаганлиги бизга маълум. Шуларнинг ичида энг оммалашиб кетгани «Қутлуғ қон» видеофильмидаги Салимбойвачча образидир. Бу фильм намойиш қилинганига ўн йиллар ўтган бўлса ҳам, ҳали-ҳали кишилар Маратни кўрсатиб: «Ана, Салимбойвачча» дейишади.

Марат Азимов 1976 йили ўзи актёрликка ўқиган олий билимгоҳда режиссёрлик куллиётини ҳам сиртдан тугатди. Айрим спектаклларда саҳналаштирувчи режиссёр эмас, оддий режиссёрлик ҳам қилди. Масалан, Гоголнинг «Ревизор»ида. Маратнинг рафиқаси Гулчеҳра Азимова мактабгача тарбия мураббийлари билим юртида мусиқадан дарс беради. Катта ўғли Шуҳрат Тошкент дорилфунунинг талабаси, Сарвар доира чалади, Сардор — ўқувчи.

Режиссёр жамиятнинг ҳамма жабҳасига даҳлдор инсон бўлмоғи лозим. Шунинг учун Марат тинмай ўз устида ишлайди, кўп ўқийди, ҳаётни синчиклаб кузатади. Булар навбатдаги режиссёрлик мўъжизаларини яратишга қувват бўлади. Ҳар бир янги спектакль — режиссёрнинг халқ олдидаги имтиҳонидир. Марат Азимовнинг келгусидаги ҳаётий ва ижодий синовларига худо мададкор бўлсин!

М. АЛИЕВ.

«Ижтимоий ташаббус»

ҲАРБИЙЛАР ҲАЁТИГА МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРАДИ


Маълумки, ҳозир ҳарбийлар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишга энг муҳтож тоифа кишиларидан бирига айланиб қолди. Улар ишга жойлашишда, уй-жой билан таъминланишда, кундалик эҳтиёж молларини топишда қийналадилар. Ҳарбий хизматдан бўшагандан сўнг нима қилишларини билмайдилар. Бунинг устига Қуролли Кучларда катта ислоҳотлар бўлмоқда, баъзи ҳарбий билим юртлари ёпилмоқда, зобитлар бошқа республикалардан қайтиб келишмоқда. Уларнинг оилавий, маиший муаммоларини қандай ҳал қилиш мумкин?

«Ижтимоий ташаббус» хўжалик ассоциацияси (уюшма) бу масалаларни ҳал этишга ёрдам бериш мақсадида тузилди. Яқинда Тошкентда бу янги уюшманинг Ўрта Осиё шўъбасини таништириш маросими бўлди. Маросимга ҳарбий округ кўмондонининг биринчи муовини, Тошкент гарнизони бошлиғи генерал Р. Ҳидирбоев, ишбилармонлар, биржаларнинг, хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Уюшма Ўрта Осиё шўъбасининг бош директори генерал-майор А. Заҳаров янги ташкилотнинг вазифалари ҳақида тўхталди. Бу ташкилотнинг Ўзбекистонда қисоб счёти очилди. У байналмилалчи жангчилар уюшмаси, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоатчилик ҳаракатлари билан ҳамкорликни йўлга қўя бошлади. Мустақилликни қўлга киритган республикамиз учун ниҳоятда зарур бўлган мутахассислар тайёрлаб беришда янги хўжалик уюшмаси яхши ёрдам бериши мумкин. Зотан ҳарбийлар интизомли, техникани яхши биладиган, қўлидан ҳамма иш келадиган кишилардир. Янги ташкилотнинг хизматдан бўшаган ҳарбийларни ишга жойлаштириш, уй-жой дастурлари тузилган.

Маросимда қатнашган «Тошкент», «Туркистон» ва бошқа биржаларнинг раҳбарлари янги уюшмага модий ва маънавий ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

М. СОАТОВ.



ЖАҲОНДА ЎХШАШИ ЙЎҚ

Қор кўчкиларини «оқ ажал», деб бежиз айтишмайди. У ўз йўлидаги иншоотлару ўрмонларни, қишлоқларни ҳаёли манзилгоҳларини кунпая кун қиладди, улардан асар ҳам қолдирмайди. Бундай даҳшатли табиат ҳодисалари давлатга жуда қимматга тушиши ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Унинг оқибати ниҳоятда хунук, кўнгилсиз бўлишини тўла тасаввур қилиш учун яқин ўтмишда Гуржистоннинг тоғли районларида содир бўлган қор кўчкиларини кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Бундай ҳодисалар, катта миқёсларда бўлмаса ҳам, Ўрта Осиё республикаларимизнинг тоғли минтақаларида ҳам бўлиб туради. Шу вақтгача унинг содир бўлишини олдиндан аниқ билиш анча мушкул эди. Эндиликда ундан аниқ хабар берувчи тизим барпо этилди.

Унинг номи «Рута»дир. Жаҳонда ўхшаши йўқ бу ажойиб ва бебаҳо тизимни Киев автоматика илмгоҳи, Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот илмгоҳи ва «Узгидролет» мутахассислари яратдилар. Гидрометеорологик ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш «Рута» автоматлашган янги тизимини «Узгидромет»нинг «Дукант» қор кўчки станциясида синашга киришилди.

— «Рута» гидрометеорологик параметрларни масофадан туриб ўлчашга мўлжалланган, — дейди унинг яратувчиларидан бири, «Дукант» қор кўчки станциясининг бош муҳандиси В. А. Коробков. — Чунончи, унинг ёрдамида ҳавонинг ҳарорати ва намлиги, шамолнинг тезлиги ва йўналиши, қорнинг ҳарорати, қалинлиги ва зичлиги, қуёш ёғдусининг узунлиги, қор қопламасининг физикавий-механик параметрлари, қор кўчкиларнинг бошланиш вақти ҳақида аниқ маълумотлар олиш мумкин.

Баланд тоғларнинг чиқиш қийин бўлган жойларига махсус датчиклар ўрнатилади. Уларнинг ёрдами билан тўпланган ахборот автоматик тарзда радио алоқаси каналлари бўйича қор кўчки станциясидаги компьютерга узатилади. Барча ўлчовлар шахсий электрон-ҳисоблаш машинасига киритилган махсус дастур бўйича амалга оширилади. Ахборот қайта ишланади ва телефон орқали Тошкентдаги «Гидрометцентр»га таҳлил қилиш ва обҳаво маълумотларини тузиш учун берилади.

«Рута» «ТМ-910 кўчки» телеўлчов мажмуининг янги авлоди ҳисобланади. У қор кўчки хизматида, турли хил гидрологик ахборотларни йиғишда, Чернобиль фожиасини бартараф этиш вақтида жуда қўл келди. У универсал тизим бўлиб, мураккаб шароитларда инсон иштирокисиз ўлчовларни қилиш, уч минг квадрат километр майдондан ахборот олиш имкониятини беради.



СУРАТЛАРДА: «Рута» тизимини яратувчиларидан бири, «Дукант» қор кўчки станцияси бош муҳандиси В. А. Коробков (чапда) ва собиқ СССР «Госгидромет»да узоқ вақт шу ишламани назорат қилиб турган А. В. Вакуленко; метеоролог Елена Васильева; «Дукант» қор кўчки станциясининг метеорологик майдончасида.

Суратказ С. ВЕЛИЧКИН.
(ЎзА).

ҲАР ТЎҒРИДА

ОПТИК КОМПЬЮТЕР ЯРАТИЛМОҚДА

Электрон-ҳисоблаш машиналари тез ишлаш бўйича ўзининг энг сўнгги чегарасига тобора яқинлашмоқда. Шунинг учун улар ўрнига оптик компьютер келмоқда. Америкининг Холмдел шаҳри мутахассислари томонидан шундай процессор ишлаб чиқилдики, у «микро...» бўлмай, бошқа афзалликларга эга, яъни унда ахборотни ташувчи электрони бўлмай ёруғлик ташийди. Ҳозирча бу процессор фақат оддий ҳисобларни бажармоқда. Бироқ, у афтидан шу вақтгача мавжуд бўлганларига қараганда таққослаб бўлмас катта имкониятларга эга бўлган янги компьютер авлодини очади.

•

СОЧ ТОЛАСИ ПРОБИРКАДА ЕТИШТИРИЛДИ

Афтидан яна бироз вақтдан кейин кал бўлишни тубдан даволайдиган дори пайдо бўлиши мумкин. Жаҳон матбуоти Кембриж дорилфунуни олимларининг эришган катта ғалабаларини шундай баҳоладилар. Турли мамлакатларда ўнларча йиллар давомида бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар тарихида биринчи марта пробиркада инсоннинг соч толаси етиштирилди. Кўпчилик одамларни ғам-ташвишга солувчи кал бўлиб қолишни тўла даволаш имконини берадиган дори-дармоннинг яратилишига ҳали йироқдир, лекин олимларнинг бу ишлари шундай муаммони эртами ёки кеч ҳал қилиш имкони пайдо бўлишига нисбатан ишончни анча мустаҳкамлайди.

«АСР ҚОТИЛЛИГИ»НИНГ ЎН РИВОЯТИ

ПРЕЗИДЕНТ КЕННЕДИНИ КИМ ОТГАН?

АҚШда «Ҳалокатли хато» китобининг чиқиши шов-шувга сабаб бўлди. Уни Б. Маннингер ва Г. Донахью ёздилар. Маълумки, АҚШ Президенти Жон Кеннеди 1963 йилнинг 22-ноябрида Далласда ўлдирилган...

Яхшиси, ҳаммасини тартиб билан ҳикоя қилайлик. Аввалига шуни эслайлик, расмий ривоятга мувофиқ уни биринчи ривоят деб атаймиз, президент якка Ли Освальднинг қурбони бўлди. Кейин уни бу террорчилик хуружидан ғазабланган собиқ гангстер Жек Руби отиб ташлади. Ўз навбатида Руби қамоқда, врачларнинг хулосасига кўра, рақдан ўлди. Шу билан ҳамма иш гумдон қилинди.

Бироқ бошқа фикрлар ҳам бўлган эди. Францияда чиқадиган «Пари—матч» журнасининг сўнгги сонларидан бирида бамисоли барча терговларга якун ясалди ва қотилликнинг расмийсидан ташқари яна саккизта ривояти кўрсатилди. Улар қуйидагилардир:

ИККИНЧИ РИВОЯТ. Қотилликни АҚШдаги кубалик қочоқлар ташкил этишган. Сабаблари: Кеннеди Плайя Хирон районидаги Кубага бостириб киришга уринган аксилкастрочиларга ҳаводан ёрдам кўрсатилишига рухсат бермаган, бу уриниш барбод бўлгандан кейин эса Кастрони четлаштиришга уринган гуруҳларга ҳар қандай ёрдам беришни тўхтатиб қўйди. Освальд кичкина одам эди. Ривоят ривожланмади, чунки, у америка ҳукуматининг аксилкастрочилар билан жуда яқин алоқаларини очиб қўярди.

УЧИНЧИ РИВОЯТ. Куба фитнаси. Куба раҳбарлари Плайя Хиронга бостириб киришга уриниш ва ракета инқирози учун қасос олдилар. Освальд яна чалғитиш ролини ўйнади. Ривоят ривожланмади, чунки, у тасдиқланганида америка жамоатчилигининг Кубани жазолашни қатъий талаб қилишини юзага келтирарди, бу эса ядро урушининг пайдо бўлиш хавфи билан боғлиқ эди.

ТЎРТИНЧИ РИВОЯТ. Вице-президент Жонсоига умид боғлаган ҳарбий-саноат мажмуининг фитнаси. Ҳарбий саноат мажмуи СССР билан муносабатларда кескинликнинг юмшашидан бошланганидан норози эди ва Вьетнамга қатъийроқ аралашувни талаб қилди. Освальднинг роли классик «икки томонлама агент» бўлиб, олдинига найранг қилинди, сўнгра четлатилди. Ҳарбий саноат мажмуининг Вашингтондаги қудратли кучлари бу ривоятнинг ривожланишига йўл қўймадилар.

БЕШИНЧИ РИВОЯТ. Қотилликни ЦРУдан четлатилганлар уюштирган, чунки, Плайя Хирондаги муваффақиятсизликдан кейин президент Кеннеди ўзининг «ЦРУни минглаб парчаларга бўлиб ташлаш ва шамолда учириб юбориш»дан иборат дўқини амалга оширишга киришди. ЦРУнинг махфий агенти ва шунга ўхшаш одамдан фойдаланилди. Аллен Даллес бу ривоятнинг тарқалишига йўл қўймади, ўз вақтида Кеннеди уни ЦРУ директори мансабидан олиб ташлаганди, Жонсон эса уни АҚШ президентига қилинган суиқасд жиҳатларини текширган Уоррен комиссияси таркибига киритди.

ОЛТИНЧИ РИВОЯТ. Бу — Америка мафиячиларининг иши. У Кеннеди мафия айрим раҳбарларига таҳдид қилганлиги учун ундан қасос олган эди. Бундан ташқари, у мафия олдидаги ўз қарзини тўламади. Чунки, гўё мафия Президент сайловлари вақтида унинг Чикагода ғолиб чиқишига ёрдам берган экан. Освальд — бир йўғи парда. Ривоят орайўлда қолди. Чунки, мафияда унинг ривожланишига йўл қўймаслик учун етарли куч бор эди.

ЕТТИНЧИ РИВОЯТ. Суиқасдни ФБР ва жумладан, унинг раҳнамоси Эдгар Гувер уюштирди. Кеннедида уни нафақага чиқариш ва ФБРни ўз қўлига олиш истаги бор эди. Освальд эътиборни чалғитувчи ролни ўйнади. Ривоят ривожланмади. Зероки, Уоррен комиссиясининг хулосалари ФБР бериши лозим бўлган далилларга асосланган эди.

САККИЗИНЧИ РИВОЯТ. Суиқасдни АҚШдаги ниҳоятда ўнглар уюштиришган, улар орасида миллиардер — нефть саноатчиси Хант алоҳида роль ўйнаган. Улар Кеннеди коммунистлар билан ниҳоятда юмшоқ муносабатда бўляпти деб, ўтказилаётган ички ва ташқи сиёсатни тўхтатишни истардилар. Гўёки коммунистларга хайрихоҳ бўлган Освальд қотил ролини ўйнаш учун жуда мос келарди. ФБР, ЦРУ ва Пентагонда ўтириб қолган ўнглар ривоятнинг ривожланишига имкон бермадилар.

ТЎҚҚИЗИНЧИ РИВОЯТ. Суиқасдни КГБ уюштирган. У ракета инқирозида СССР енгилгани учун қасос олди. Чунки, Кеннеди «совуқ уруш»ни тугатди ва СССРга, унинг энг заиф жойи — иқтисодиётига ҳужум бошлайди, деб ҳадиксиралди. Уни Руби — КГБнинг яна бир агенти ўлдирди. Ривоят ривожланмади, чунки Уоррен комиссияси советларга қарши васвасани кучайтиришдан қўрқарди. У Президент сайловларида консерватор Барри Голдуотернинг ғалаба қилишига олиб келадиган ва ядро урушининг пайдо бўлиши хавфини кучайтирарди.

ЎНИНЧИ РИВОЯТ. Бу ҳам «Ҳалокатли хато» китоби муаллифлари томонидан баён этилган. Улар Кеннеди тасодифан ўз сонниси Жорж Хикки томонидан ўлдирилган, деб исботлашга уринадилар. У Освальднинг иккинчи отишидан кейин автоматли милтиқни ушлади ва уни сақлагичдан олди. У отиш учун қулай ҳолатни эгаллашга интилиб, автомобиль олдинга отилганда мувозанатни сақлай олмади. Тепкини тасодифан босди ва ўқ президент бошига тегди. Уоррен комиссиясида Хикки милтиқни фақат учинчи отишдан кейин қўлга олганлигини гапирди. Бироқ, бундай ҳаракатни у олдинроқ қилганлигини кўрсатувчи далиллар пайдо бўлди.

Ўнта ривоятнинг қайси бири расмийсими ёки норасмий бўлган тўққизтадан биттасими, ёки яна: ўн биринчисими, ўн иккинчисими ва ундан кейингисими — тўғри бўлиб чиқаркин? Бу саволга жавоб президент Кеннеди билан бирга дафн этилганга ўхшаб турибди.

Р. ПУЧКОВ,
(«Труд»дан).

• *СПОРТ*

ФРАНЦИЯДАН СЎНГ ИТАЛИЯДА

ЯҚИНДАГИНА Францияда бўлиб ўтган қишки олимпиада ўйинларини спорт мухлислари зўр ҳис-ҳаяжон билан томоша қилишганди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги спортчилари Альбервиллдан юқори натижаларга эришиб қайтишганини кўпчилик яхши билади. Орадан кўп вақт ўтмасдан Италиянинг Генуя шаҳрида енгил атлетикачиларнинг ёпиқ бинода ўтказиладиган Оврўпа чемпионатига старт берилди. Енгил атлетика федерацияси байроғи остида қатнашган МДҲ спортчилари бу сафар ҳам бўш келишмади. Улар ҳар қачонгидан яхши натижаларга эришиб, 13 та олтин, 8 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритишди. Чемпионатда иштирок этган ҳамюртимиз М. Шмонина 400 метрга югуришда бешинчи ўринга сазовор бўлди.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—3 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-18. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.40 30579 нусха босилди.